



XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 20 - may

VI-35-152-3-0-K/22

Jizzax viloyati hokimligi

“Баркамол авлод-2021” спорт мусобақасининг вилоят, республика босқичида вилоятимиз спортчиларининг иштирок этиши натижасида юзага келган қарздорликни қоплаш тўғрисида

“Баркамол авлод-2021” спорт мусобақаларини ўтказиш ва ушбу тадбирларда вилоятимиз спортчилари иштирок этиши натижасида юзага келган қарздорликни қоплаш учун маблағ ажратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-ва Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят Молия бош бошқармаси (Рахматуллаев)га “Баркамол авлод-2021” спорт мусобақасининг республика босқичида вилоятимиз спортчиларининг иштирок этишини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун вилоят маҳаллий бюджетининг эркин қолдиқ ва даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми маблағлари ҳисобидан, 261 625,0 (икки юз олти миш бир миллион олти юз йигирма беш) минг. сўм маблағни вилоят Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармасига ажратиш вазифаси юклатилсин.

2. Вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (Б.Ўсаров)га ажратилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 октябрдаги 89-сонли йиғилиш

баёнининг 12-бандига мувофиқ Ўзбекистон талабалар спорти ассоциацияси Жиззах вилояти минтақавий бўлими ҳисоб рақамига ўтказиб бериш вазифаси топширилсин.

3. Вилоят Ғазначилик бошқармаси (З.Маллаев)га харидларнинг Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

4. Давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (И.Собиров) ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатсин.

5. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари в.в.б А.Дарханов ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилишга масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Салиев